Куч — адолатда

2014 йил
26 сентябрь,
жума
№ 39 (500)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Маърифат — маънавиятга олиб келадиган йўл. Ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ.

МАЪРИФАТ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизни маърифий уйғоқликка чорлаб баралла янграган ушбу даъват таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берибгина қолмай, кейинги йилларда, том маънода, ҳаётимиз аъмолига айланди. Ватанимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳияти Президентимизнинг "Куч — билим ва тафаккурда" деган машҳур ҳикматида тугал ифодасини топган.

Юксак ақл-тафаккур, интеллектуал салоҳият ҳақида фикр юритилганда, кўпинча, "ақл — ёшда эмас" деган ибора қўлланади. Тарихимизда буни тасдиқловчи мисоллар кўп. Буюк аждодимиз, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини ёддан билган. Буюк давлат арбоби ва шавкатли саркарда Амир Темур бобомизнинг шону шуҳрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш қарийб етти асрдирки, жаҳоннинг турли мамлакатларида тобора ортиб бормоқда.

Ёки бўлмаса, Соҳибқирон ҳазратларининг суюкли набираси Мирзо Улуғбек бошчилигида расадхонада ҳали техника тараққий этмаган бир даврда олиб борилган кузатишлар натижаларининг ҳозирги илмий таҳлиллардан унча фарқ қилмагани дунё илмий жамоатчилигини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Эътибор беринг: Мирзо Улуғбек бобомиз ўша вақтда юлдуз йилини — 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония деб ҳисоблаган бўлса, замонавий компьютерларда бу кўрсаткич 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сония экани аниқланган. Яъни ўртадаги фарқ атиги 1 дақиқаю 2 сония, холос! Мана, биз кимларнинг, қандай улуғ зотларнинг ворисларимиз.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда жорий йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилар экан, соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши билан боғлиқ талаб ва омилларга алоҳида тўхталгани бежиз эмас.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз таълим соҳасининг мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклагани табиий. Айни чоғда, соҳамизга бундай юксак эътибор биз, бошланғич таълим ўқитувчиларини ҳам, бир томондан, беҳад қувонтирган бўлса, иккинчи томондан, ўзимизга, ўз ишимизга нисбатан талабчанлигимизни янада оширди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди ва у изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал тараққий эттириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Yangi qonun mohiyati

Қасддан банкротликка олиб келиш

бунинг учун қонунда жавобгарлик белгиланди

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кичик бизнеснинг ривожланишига ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, судларни тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилувчи тизимга айлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросига оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Буларнинг натижасида корхоналарда иқтисодий ночорликка (банкротликка) қарши курашишнинг самарали ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2003 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Банкротлик тўғрисида"ги қонун ва унинг ўтган даврда изчиллик билан такомиллаштириб борилгани фикримизнинг исботидир.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Электрон тижоратга доир қонунчиликни такомиллаштириш – давр талаби

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологияларининг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига, шу жумладан, бизнес соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Маълумки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида анъанавий савдо усуллари билан бир қаторда электрон тижорат ҳам кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида аҳолининг 10 фоизи ўз харидларини Интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда. Юртимизда ҳам электрон тижорат изчил ривожланмоқда. Мазкур соҳани қонунчилик асосида тартибга солиш мақсадида 2004 йил "Электрон тижорат тўғрисида"ги, 2005 йил "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

2014 йил 24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида судларда иш юритиш жарёнининг очиқлигини таъминлаш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

БМТ Тараққиёт дастури билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўртасида "Фуқаролик судлари иш юритувини ислоҳ қилиш: самарали суд бошқаруви" қўшма лойиҳаси доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ушбу лойиҳанинг ижобий натижа бераётгани, яратилаётган "E-SUD" миллий электрон дастури фуқароларнинг судларга монеликсиз мурожаат қилиш имконини яратиши ҳамда суд ишларининг ошкоралигини таъминлаши алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Б.РАЙИМОВ

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги босқичда

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳам изчил давом эттирилмоқда. Соҳага оид ҳуқуқий асослар, жумладан, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилиши билан бирга уни амалда таъминлашнинг самарали механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш: суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналиши" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, судьялар, олимлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Бош прокуратуранинг олий ўқув курслари, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Экологик барқарорликни таъминлаш йўлида

Истиқлол йилларида юртимизнинг гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, сув, атмосфера ҳавоси, ер ости ва усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни исроф қилмаслик ва келажак авлодларга соф ҳолда етказиш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам қонуний асосларнинг яратилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Оилада эр-хотин нафақа оламиз. Айтинг-чи, биз ҳам истеъмол кредити олишимиз мумкинми?

Р. ХОЛИҚОВ,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани

— Маълумки, "Истеъмол кредити тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига асосан, истеъмол кредити бериш қоидага мувофиқ истеъмол кредити шартномаси бўйича тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади.

Истеъмол кредити ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларга берилади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан ушбу қонунга мувофиқ белгиланади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва уларда истеъмол кредити бериш шартлари, шунингдек, кредит миқдори, уни бериш муддати, фоиз ставкаси, истеъмолчи тўлаши лозим бўлган тўловлар жадвали тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кредитга сотиш сотув кунида амалда бўлган нархлар бўйича амалга оширилади. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг кейинчалик ўзгариши шартнома тарафларининг мажбуриятларига таъсир этмайди.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларда бемор шахснинг ҳуқуқларига оид меъёрлар белгиланганми?

Нафиса БЕГИМҚУЛОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани



— Ҳа, қонунларимизда шундай меъёрлар белгиланган. Жумладан, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига кўра, бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатиши;
- шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;
- санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра, бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;
- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;
- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;
- ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек, соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;
- тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда, кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Айтинг-чи, қонунларимизда белгиланмаган ҳудудга ахлат ташлаган шахсга нисбатан жарима ёки бошқа жазо чораси белгиланганми?

Н.ШОМУРАТОВА,
Бекобод тумани

— Ҳа, белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддасига кўра, саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказилса — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 123-моддасида транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш учун ҳам жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, поездларнинг вагонлари, автомобиль ва шаҳар электр транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни!

Маърифат ва интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қувончимизнинг сабаби шуки, бизнинг фаолият соҳамиз бўлган бошланғич таълимнинг сифатини ошириш масаласига шундай олий минбардан туриб, бевосита мамлакатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Ўз-ўзимизга нисбатан талабчанлигимиз кучайганига келсак, "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр — бу бошланғич синф даври"** эканини назарда тутадиган ва шу ҳаққоний даъватдан келиб чиқадиган бир қатор амалий чора-тадбирлар ўрин олди.

Бу борада биринчи навбатда, олдимизда турган вазифа, назаримизда, замонавий муаллим қиёфасига ҳар томонлама муносиб бўлишдир. Бунда бошланғич синф ўқитувчисининг кийиниш, юриш-туриш, сўзлашиш ва муомала одоби катта аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Шу билан бирга, муаллимнинг ўз касбига меҳр-муҳаббати, болажонлиги, изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги, фидойилиги, ватанпарварлиги, юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга дахлдорлиги-ю дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги каби муҳим мезонлар ҳам назарда тутилмоқда.

Бошланғич синфларда инновацион технологиялардан фойдаланиш масаласига ҳам эътиборни кучайтиришимиз талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир муаллим илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, компьютердан фойдаланишни пухта ўзлаштирган бўлиши, дарсларни энг замонавий таълим технологиялари асосида ўтиши шарт. Зеро, бугун биз XXI юз йилликда — ахборот ва глобаллашув асрида яшаяпмиз.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда, бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, соҳани юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар билан тўлдириш, бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, муаллимларнинг ўзи ҳам ана шу зиёбахш жараёнлардан четда турмаслиги, яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, билими, тажрибаси ва малакасини давр талабларига мос равишда мунтазам ошириб боришга интилиши даркор.

Мактабимизда 2 та хона проектор, компьютер, лингофон каби замонавий техник мосламалар билан жиҳозланиб, инглиз тили хонасига айлантирилган. Бу ерда дарслар замонавий педтехнологиялар ва мультимедиа дастурлари асосида ўтилмоқда. Ҳар ҳафтанинг якунида ўтилган дарслар ўқитувчилар ўртасида муҳокама этилиб, янгилик ва ютуқларни оммалаштириш, мавжуд камчиликларни эса, бартараф этиш чоралари кўриб борилади. Бу, ўз навбатида, билим бериш сифати ва самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг меваси эканини ҳар гал алоҳида таъкидлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Айни чоғда, бошланғич таълим ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг оила муҳитига энг яқин бўлган кишилардир. Чунки улар боланинг ота-онаси, бобо-бувиси, опа-акалари билан доимий мулоқотда бўлади. Демак, муаллим ҳар томонлама соғлом болани тарбиялаш йўлида ана шу имкониятлардан ҳам тўла фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир ҳикматли ибораларини келтирмоқчимиз: "Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз".

Бошқача айтганда, биз, бошланғич синф ўқитувчилари мактаб остонасидан кириб келган ҳар бир жажжи болакайни эл-юртимизнинг бўлажак таянчи ва суянчи сифатида комил ишонч ва муносиб ардоқ билан кутиб олишга масъулмиз. Зотан, бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг пойдевори бўлиб, ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топиши, соғлом бола, баркамол авлод бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан 1-4-синфларда қандай билим олганига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Мухтасар айтганда, бугун ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир инсон таълимни ривожлантириш, илм ва маърифатни, интеллектуал салоҳиятни ошириш, маънавиятни юксалтириш жабҳасида, том маънода, фикрий уйғоқлик, ташаббускорлик ва фаоллик билан меҳнат қилмоқда.

Бу йўлда эришилган ютуқлар ўзимизники. Олдимизда эса, янада масъулиятли, айни чоғда шарафли юмушлар турибди. Барча соҳалар қатори таълим тизимидаги ислоҳотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, қатъийлиги ва ортга қайтмаслиги, самарадорлиги ва ҳаётбахшлигининг туб мазмун-моҳияти ҳам аслида шунда.

Раҳима КАРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 307-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Xabar

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги босқичда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий суд раисининг ўринбосари Қ.Тоғаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги ислоҳотлар ўзига хос янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани муҳим аҳамият касб этди.

Концепциядаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни асосида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг суд тартиби амалиётга киритилди. Суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилиб, судда ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига юклашни кўзда тутувчи нормалар жорий этилгани суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга шароит яратди. "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини амалга ошириш имконини берди.

Шу йил 5 сентябрда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан жиноят ва жиноят процессуал кодексларига яна қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят процессуал қонунчилигига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кафолатлашга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш юзасидан қонунчиликка киритилган янгиликлар билан танишиш билан бирга, уни янада такомиллаштиришга оид долзарб масалаларни муҳокама қилди. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича Концепцияда илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш, жиноий жавобгарлик соҳасида қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш хусусида фикр алмашилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Burch va majburiyat

Солиқларни ўз

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, солиқ юкини камайтириш ва бу борадаги имтиёзлар ва афзалликларни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Зотан, солиқлар мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, фан, таълим, маданият, тиббиёт каби ижтимоий соҳаларни янада ривожлантиришга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир шахс ўзига тегишли ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдалангани ҳолда зиммасидаги мажбурият — солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб бориши ғоятда муҳим.

Айтиш жоизки, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Аниқроқ айтганда, амалдаги қонунчилигимизда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан анча миқдорни ташкил қилмаган (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача бўлган) миқдорда қасддан бўйин товлаш ёки биринчи марта анча (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган) миқдорда содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Агар солиқ тўловчи маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этса, Жиноят кодексининг 184-моддаси биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик натижасида кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, айбдор тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилади. Шахснинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиш учун барча ҳолларда солиқлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини синчиклаб аниқлаш талаб этилади. Бунда Жиноят кодексининг 184-моддаси мазмунига кўра, шахс томонидан яширилган ёки камайтириб кўрсатилган солиқ солинадиган объектнинг катталиги (қиймати) эмас, балки фақат тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси (солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган молиявий санкция (жарима ва пеня) суммаларини қўшмаган ҳолда) ҳисобга олинади.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун қасддан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, шахсни жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

Бунда бир турдаги солиқлар учун ортиқча тўланган сумманинг миқдори бошқа турдаги тўловлар учун қасддан тўланмаган сумманинг миқдорини қисман қопласа, шахснинг айбдорлик масаласи тўланган ва тўланмаган суммалар орасидаги фарқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш борасида кўплаб имтиёз ва афзалликлар яратилган.

Yangi qonun mohiyati

Қасддан банкротликка олиб келиш

бунинг учун қонунда жавобгарлик белгиланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари Хўжалик процессуал кодексида ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларнинг хўжалик судларига таалluқлилиги белгиланиб қўйилди.

Айтиш керакки, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши банкротлик механизмларини янада такомиллаштиришни, қасддан банкротликка олиб келиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳуқуқий чораларни яратишни, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришни, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, тегишли жавобгарликни белгилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақоза этмоқда.

Шу маънода 2014 йилнинг 5 сентябрида матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши банкротлик ҳолати билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган яна бир қадам бўлди.

Маълумки, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қарздор пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса ҳамда мажбурий тўловлар юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаса, бундай корхона банкрот деб эътироф этилади. Шунингдек, қонунга кўра, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан ўз ваколати доирасида тўлов қобилиятига эга бўлмай қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида, корхоналарнинг молиявий аҳволи бўйича мониторинг юритилади.

Айтиш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан банкротлик соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилганда, 2009-2012 йилларда республика хўжалик судлари томонидан жами 19.145 та банкротлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган. Шундан 18.051 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб топилган.

Таҳлиллар натижасида айрим корхоналар бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат муҳитига бардош беролмагани боис банкротликка учраётганидан ташқари, бундай ҳолатга сунъий равишда йўл қўйилаётгани ҳам маълум бўлди.

Бунга эса, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунда суд бошқарувчилари зиммасига мансабдор шахслар ва қарздор мол-мулк эгаларининг ҳаракатларида қасддан банкротликка олиб келиш ёки олдиндан ўйлаб содир этилган банкротлик аломатлари бор-йўқлигини ўрганиш вазифасини юкловчи қоидаларнинг йўқлиги сабаб бўлаётган эди.

Ушбу соҳада юзага келаётган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида, қабул қилинган янги қонун билан "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Яъни амалдаги "Банкротлик тўғрисида"ги қонун суд бошқарувчилари учун қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш вазифасини белгиловчи, хўжалик суди кредиторнинг аризасига кўра, банкротликка оид ишини кўриб чиқиш чоғида қасддан банкротликка олиб келиш ёки сохта банкротлик ҳолатларининг бор-йўқлиги юзасидан экспертиза тайинлаш ҳуқуқини берувчи нормалар билан тўлдирилди. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳам банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жараёнида хўжалик судига сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 190-моддасида кредиторларга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда қасддан банкротликка олиб келиш банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар сифатида белгиланган. Шунингдек, Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонининг 4-бандида хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарлиги, шунингдек, пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш учун қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликкача тортишга олиб келиши қайд этилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкротлик соҳасида жавобгарликни оширишнинг мантиқий давоми сифатида Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Жиноят кодекси 181[1]-модда билан тўлдирилиб, эндиликда қасддан банкротликка олиб келиш жиноий ҳаракат сифатида баҳоланади.

Киритилган ўзгартишнинг мазмунига кўра, якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори томонидан шахсий манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда қасддан банкротликка олиб келиш аломатларига тўхталадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари"нинг 27-бандига мувофиқ, пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан қарздорга қасддан зиён ёки зарар етказган ҳолда жиноий тарзда фойдаланиш, тўлов интизомини бузиш ва шартнома мажбуриятларини бажармаслик, мол-мулкни баланс қийматидан паст нархда сотиш ёки уни текин бериш, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш бўйича белгиланган муддатларда чора-тадбирлар кўрмаслик, асосий фаолиятга жалб этилган қарздор активларнинг 50% дан ортиғини бошқа шахсларга бериш, ижро этувчи орган ёки кузатув кенгаши томонидан тегишли равишда уларнинг ваколатига кирмайдиган йирик битимлар тузиш каби ҳолатларнинг амалга оширилишида ифодаланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур ҳаракатлар кредиторларга кўп миқдорда зарар, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар етказилишига олиб келган тақдирдагина жиноят ҳисобланади.

Ушбу моддада рағбатлантирувчи нормалар ҳам назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, қасддан банкротликка олиб келган шахсга нисбатан, агар етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги мумкин.

Шунингдек, ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам қасддан банкротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи янги модда киритилди. Яъни агарда қасддан бакротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳаракатлар натижасида кредиторларга етказилган зарар миқдори кўп миқдордан кам бўлса, унда жиноий эмас, балки маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Бундай ҳолатда жавобгар ҳисобланган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима жазоси тайинланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маъмурий жавобгарлик ва жиноий жавобгарликнинг энг асосий фарқи кредиторларга етказилган зарар миқдори билан ўлчанади, яъни шахснинг ҳаракатлари натижасида етказилган зарарнинг миқдори кўп бўлса, жиноий жавобгарликка, етказилган зарарнинг миқдори кўп миқдордан кам бўлса, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, бундай амалиётнинг жорий этилиши пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан оқилона фойдаланишга, корпоратив бошқарув сифатини янада такомиллаштиришга, корхона иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва иш ўринларини сақлашда корхона раҳбари ва мол-мулк эгаларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари кредиторлик қарз миқдорини камайтириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда ҳам муҳим ўрин тутади. Солиқларни тўлашдан бўйин товлашларни бартараф этишга, накд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси бутун иқтисодиётимиз янада ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Нодир МУХТОРОВ,
Мардонбек БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари

Maslahat

Фуқаровий жавобгар

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жиноят процессуал кодексининг 59-моддасига кўра, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далилларни тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

вақтида тўлаш

ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир



Бироқ ҳаётда бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига, уларни суиистеъмол қиладиган, турли қинғир йўллар билан яширин даромад топишга уринадиган кимсаларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир.

Мисол учун О.Толипов (исм-шарифлар ўзгартирилган) "Мўътабар бизнес класс" номли маъсулияти чекланган жамиятни ташкил этиб, мазкур корхона раҳбари ва бош ҳисобчи лавозимларида туппа-тузук фаолият юритиб келаётганди. Айтиш керакки, О.Толиповнинг саъй-ҳаракати билан тез орада масъулияти чекланган жамиятнинг фаолияти кенгайиб, олинадиган даромад ҳам ортиб борди. Бироқ О.Толипов бунга қаноат қилмай янада кўпроқ фойда олиш пайига тушди ва охир-оқибат нафс қутқусига учиб, ноқонуний қилмишга қўл урди. Яъни у 2013 йил октябр-ноябр ойларида қурилиш молларини 1.021.400.000 сўм накд пулга сотиб, савдодан тушган пулни масъулияти чекланган жамиятнинг назорат-касса машинасига кирим қилиш ва банк муассасасига топшириш чорасини кўрмайди. Бу қилмиш билан у Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Фискаль хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларини қўпол равишда бузади.

Бундан ташқари О.Толипов давлат солиқ идорасига хисобот тақдим қилмасдан, 51.070.000 сўм миқдоридаги солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Солиқ идораси ходимларининг масъулияти чекланган жамиятда ўтказган текшируви жараёнида О.Толиповнинг барча қилмишлари ошкор бўлди. Табиийки, бу ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Суд томонидан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилган О.Толиповга ҳам қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш орқали фуқаровий мажбуриятимизни адо этибгина қолмай, иқтисодиётимизнинг барқарор суратларда ривожланишига, ижтимоий соҳанинг изчил тараққий этишига, бир сўз билан айтганда, юртимиз равнақига муносиб улуш қўшган бўламиз.

Авазбек ШЕРАЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси

Qonun ijodkorligi

Электрон тижоратга доир қонунчиликни такомиллаштириш – давр талаби

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, ўтган даврда Интернет тармоғи орқали электрон тўловларни амалга ошириш мақсадида, тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигига талаблар, ахборот тизимларида хавфсизликни таъминлаш механизмлари белгиланди. Банк карточкалари орқали "офлайн" тизими, яқин вақтдан буён эса, "онлайн" тизими ёрдамида тўловларни амалга ошириш механизмлари жорий этилди. "Интернет-банкинг", "СМС-тўлов" каби тизимлар негизида масофадан банк хизматларини кўрсатиш амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирларнинг самарали жорий қилиниши муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари миқдори ва улар орқали амалга ошириладиган транзакциялар ҳажмлари кейинги 5 йилда 7,5 баробар ўсишига ёрдам берди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси "онлайн" карточкалардир.

Бундан ташқари товар ва хизматлар учун тўловларни, банкдаги ҳисобрақамлар ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи ва мобил телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди. Мазкур тизим орқали, 2013 йил якунларига кўра, 61,8 миллиард сўмлик савдолар амалга оширилган.

Шунга қарамай, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни батафсил тартибга солишни талаб этмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.

"Электрон тижорат тўғрисидаги"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Айтиш керакки, амалдаги қонун ушбу соҳага таллуқли бошқа қонун ҳужжатлари, яъни "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунларда белгиланган тушунча ва атамаларга, хусусан, электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда аниқланадиган электрон кўринишдаги ахборот электрон ҳужжат деб белгиланишга асосланган.

Шу билан бирга, электрон рақамли имзони қўллаш технологияси олдиндан томонлар ўртасида тузилган ўзаро шартномавий муносабатлар мавжуд бўлишини ёки оммавий калитларни тасдиқловчи марказлар хизматларидан фойдаланишни тақозо этади.

Қолаверса, электрон савдоларнинг бугунги кундаги ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, қонунни татбиқ этиш соҳаларини, электрон тижорат субъектларини, ахборот воситачилари ва уларнинг функцияларини, битимларни тузишга бўлган талабларни ҳамда электрон тижоратда ахборот хавфсизлиги борасидаги амалдаги қонунда кўзда тутилмаган нормаларни қонун асосида белгилаш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси бу масалаларнинг барчасини қамраб олган.

Қонун лойиҳасида электрон тижоратда битимлар тузиш ва бошқа амалларни бажариш, электрон ҳужжатлар (хабарлар)ни қўллаган ҳолда шартномалар тузиш жараёнларида иштирокчиларга, шу жумладан, ахборот воситачиларига қўйиладиган талаблар ҳам белгиланган. Бу билан электрон ҳужжатлар ва хабарларни қўллашда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш кўзда тутилмоқда.

Умуман айтганда, қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси амалдаги қонундан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, жисмоний шахслар-электрон тижорат субъектлари учун электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича қатъий талаб бекор қилинади. Жисмоний шахслар-электрон тижорат субъектларига электрон рақамли имзонинг бир марталик идентификаторидан ёки шахсий имзонинг аналогидан фойдаланишга рухсат этилади. Бу электрон битимларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва Интернет тармоғи орқали банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизмини жорий этиш имконини беради.

Иккинчидан, электрон тижорат субъектларига электрон битимларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркиби янада кенгаяди. Улар таркибига, хусусан, телекоммуникация тармоғи операторлари, тўлов агентлари, электрон савдони ташкил этишни амалга оширувчи ва электрон ҳужжатларни депозитар сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи шахслар киритилмоқда.

Учинчидан, электрон ҳужжат (хабар)лардан фойдаланган ҳолда, электрон битимлар ва электрон шаклдаги шартномалар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, тижорат таклифлари ва электрон тижорат шартномалари шартларига қўшимча талаблар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Тўртинчидан, қонун лойиҳасида ҳисоб-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини берувчи норма киритилмоқда. Бугунги кунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, товарлар — иш ва хизматлар савдосида шартнома ижросини бажариш учун ҳисоб-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни қоғоз шаклида имзолаш амалиёти мавжуд бўлиб, ўз навбатида, бу ҳол электрон тижоратни Интернет тармоғи орқали амалга оширишга тўсиқ бўлиб турибди. Янги норма айни шу тўсиқни бартараф этиш имконини беради.

Бундан ташқари қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, электрон тижоратда давлат харидларини амалга ошириш, шунингдек, хорижий иштирокчилар билан битимлар тузиш каби бир қатор муҳим жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, бунинг учун уларга зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Замонавий уй-жойлар бунёд этиш, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида хонадонлар қуриш кўлами кенгайиб бораётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи

амалда самарали таъминланмоқда

Шу билан бирга аҳолининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари муҳофазаси ҳам доимий ҳимояда. Конституциямизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Уй-жой кодексининг 11-моддаси 3-қисмига кўра, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар, давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли тураржойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Айтиш керакки, фуқароларнинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини таъминлашда судлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, даъвогар Дилдора Тўхтаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгар Азамат Наимовга нисбатан уйга киритиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси судга мурожаат этган. Д.Тўхтаева даъво аризасида жавобгар билан 1999 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганини, биргаликдаги турмушлари давомида уч нафар фарзанд кўришганини, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги "Беҳзод" кўчаси, 57Б-уйни 2009 йил 2 октябрда сотиб олгани, аммо 2013 йил апрель ойидан буён жавобгар уни фарзандлари билан бирга уй-жойга кириб яшашига тўсқинлик қилиб келаётганини, қайд этаркан, ўзини фарзандлари билан бирга ушбу уйга фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиб қўйишни сўраган.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат эканлиги қайд этилган.

Суд муҳокамаси жараёнида аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, даъво аризасида кўрсатилган уй 2009 йил 10 октябрдаги 4932-сон билан нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан даъвогарга тегишли экан. Бироқ ушбу низоли уй-жойда яшаб келаётган жавобгар даъвогарни уй-жойга кириб яшашига тўсқинлик қилган. Шу сабабли мулк эгаси бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, судга мурожаат этган.

Суд даъвогар низоли уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга эканини, ундан бошқа ҳеч кимни уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи чекланмагани ёки бекор бўлмаганини инобатга олиб, даъво аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди. Яъни суд даъвогарни фарзандлари билан бирга ўзининг шахсий мулки бўлган уйга киритиб қўйиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасида ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган барча харажатларни ундириб бериши қайд этилган. Шунга кўра, суд даъвогар томонидан судга даъво аризасини тақдим этишда тўланган давлат божини жавобгардан даъвогар фойдасига ундириб беришни лозим топди.

Гувоҳи бўлганингиздек, фуқароларнинг ҳар бир мурожаати судлар томонидан атрофлича ўрганилиб, уларнинг ҳуқуқлари амалда самарали таъминланмоқда.

Бахром ФАЙЗИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Mezon

Экологик барқарорликни таъминлаш йўлида



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бинобарин, мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури, Тараққиёт дастури ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича йигирмадан ортиқ конвенция ва халқаро шартномаларга қўшилди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан атроф-муҳитнинг софлиги ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳамда минтақамиздаги мураккаб экологик вазиятни эътиборга олган ҳолда, оммавий жамоат бирлашмаси — Экологик ҳаракатнинг ташкил этилгани ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Экоҳаракат аъзолари орасидан 15 нафарининг депутат этиб сайлангани жаҳон парламентаризми тарихига киритилган янгилик бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Айтиш жоизки, ушбу депутатлар гуруҳи томонидан атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўтган даврда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан 6 та қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Чунончи, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, ўтган йилнинг декабрь ойидан эътиборан кучга кирди.

Бугунги кунда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббускорлиги асосида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида қизғин фаолият олиб борилмоқда.

Албатта, ҳар биримиз табиат инъомларидан, унинг бебаҳо неъматларидан ҳеч бир монеликсиз, тўла-тўкис баҳраманд бўламиз. Шу боисдан ҳам ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаро она табиатнинг мусаффолигини асраш, табиий ва қазилма бойликларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши лозимлигини унутмаслик ғоятда муҳимдир. Асосий Қонунимизнинг 55-моддасида белгилаб қўйилганидек, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш инсон ҳаёти ва саломатлигига рахна солувчи турли хавф-хатарларнинг олдини олиш билан бирга, она табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш ва уни келгуси авлодларга ҳам соф ҳолда етказиш имконини беради.

Абдураҳим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси

G'aroyib olam

Инсон ҳаёти- ноёб хилқат. Шулардан бири - инсоннинг муҳим аъзоси — кўзни оладиган бўлсак, унинг ҳеч қандай илғор коммуникация воситаларисиз фикрларни узоқ масофага узата олиш ҳолатини бугунги кунда ҳатто энг замонавий тажрибалар билан ҳам асослаш қийин кечмоқда.

Биз билган ва билмаган дунё



НАФИС ҲИССИЁТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ўтган асрдаёқ телепатия бўйича тадқиқот ўтказган олимлар "кўриш нурлари" ҳақида "Биологик радиоалоқа" номли илмий рисолани ҳам яратишган. Унда айтилишича, кўз қараши миядаги биорадиациявий нурланишнинг ингичка тизимчаси ҳисобланар экан. Бундай хусусиятга эга одамлар кўз қараши орқали ўз фикрини узата олади.

Масалан, машҳур ҳайвон ўргатувчиси В.Дуров олимларга ўз фикрини жонзотларга қай тарзда етказишини намойиш этиб берган. Жумладан, у "Марс" лақабли кучукчага фикран меҳмонхонадан даҳлизга чиқиш ва у ердан маълумотлар дафтарчасини телефон ёнида ётган китоблар орасидан топиб, тишлаганча изига қайтишни буюради. В.Дуров кучукчанинг кўзларига ярим дақиқача тикилиб турганидан сўнг жонивор унинг топшириғини бехато бажарган. Биргина В.Дуровнинг ўзи билан бу тадқиқотларнинг 1300 таси ўтказилиб, уларнинг деярли ҳаммаси муваффақиятли якунланган.

Хўп, В.Дуров ноёб қобилият эгаси бўлган, бунинг устига ҳайвонлар руҳиятининг билимдони ҳам, дейлик. Аммо баъзида шундай бўладики, киши ўзи билмаган ва англамаган тарзда кўзи орқали мияга буйруқ бера оларкан. Масалан, англиялик 55 ёшли Стив Мак-Келлон деган овчига тўсатдан баҳайбат айиқ ҳужум қилади. Ўзини ҳар ёнга уриб, йиртқичдан ҳимоя қилишга уринаётган овчи ўзи билмаган ҳолда ханжар тутган қўлини олдинга чўзганча, киприк қоқмай айиқнинг кўзларига тикилади. Овчининг нигоҳлари даҳшат ва қаҳрга тўла эди. Қолаверса, у яхши билардики, қутурган йиртқичнинг кўзларига тик қараш ниҳоятда хавфли бўлиб, бундай вазиятда жонзот баттар жазавага тушиши тайин эди. Аммо чорасиз қолган овчи ўлими муқаррарлигига тан бериб, айиқнинг кўзларига тик қараган эди.

Аммо кутилмаганда ҳаммаси тескарисига айланади: баҳайбат айиқ туйқус "гурс" этиб ерга қулайди ва бир неча сония ичида жон таслим қилади. Энг қизиғи, жониворнинг танасида қилча ҳам жароҳат изи йўқ эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, айиқнинг кутилмаганда, жон таслим қилишига овчининг нигоҳи сабаб бўлган. Аниқроқ айтганда, овчининг кўзларидаги қаттиқ қўрқув натижасида таралган кучли биоэнергетик импульс айиқнинг миясидаги барча асаб тизимларини бир лаҳзадаёқ кунпаякун қилиб юборган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бу дунёда фақатгина одам боласи фикрлаш салоҳиятига эга бўлгани учун ҳам нигоҳлари билан бошқа жонзотларни бошқара олади, дейиш унчалик тўғри эмас. Ҳаётда бу фикрни инкор этадиган мисоллар ҳам кўп учрайди. Масалан, машҳур француз табиатшуноси Леволлан ҳаётида рўй берган ғаройиб воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Гап шундаки, машҳур табиатшунос олим кунларнинг бирида Ҳиндистон чангалзорларида ов қилиб юрган пайтида кутилмаганда йўлини ўзгартириб, бутунлай бошқа томонга кета бошлайди. Айтиш керакки, Леволлан ихтиёрига бўйсунмаётган оёқлари қаёққа бошласа, ўша томонга бораборабирдан нақ уч метр келадиган илонга рўпара келиб қолади. Илон унинг кўзига тикилганча, янада ўзига яқинроқ келишга ундарди. Леволлон баҳайбат жонзотга юзма-юз бўлишига бир неча одим қолгандагина карахт қотган қўлини зўрға қимирлатиб, илонга қарата ўқ узишга улгуради. Шундан сўнг илон олган жароҳати туфайли типирчилай-типирчилай жон таслим қилгач, олим ўзига келади.

Юқорида баён этилган ғаройиб воқеалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу дунёда ҳали инсон англаб етмаган сир-синоатлар жуда кўп. Бу, ўз навбатида, инсонни изланишга, янги-янги кашфиётлар қилишга ундайди.

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади.

Бу ҳаётда ишонч, меҳр-оқибат сингари юксак фазилатлар одамлар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб қолмай, кишини хайрли ва эзгу ишларга ҳам ундайди. Шу боисдан ҳам инсон умрига ўзгача файз ва тароват бахш этувчи бундай фазилатларни бағрикенг ва саховатли халқимиз азал-азалдан улуғлаб келган. Афсуски, ҳаётда баъзан нопок йўллар билан мўмай даромад орттириш, ўзгаларнинг мулкини турли йўллар билан бўлса-да, қўлга киритиш илинжида юрган кимсалар ҳам учраб туради.

Jinoyat va jazo

Нохолис ният

жавобгарликка сабаб бўлди

Қонунда бундай кимсалар фирибгар деб аталади ва у томонидан содир этиладиган қилмиш бошқа талон-торож жиноятидан ўзининг ижтимоий хавфлилиги ва содир этилиш йўли билан фарқ қилади. Бошқача айтганда, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай мулкни эгаллашда ифодаланади, бунда айбдор мулкни ўзганинг эгалигидан олиб қўймайди, балки у томонидан янглиштирилган жабрланувчининг ўзи мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ўзига беришига эришади. Демак, фирибгарлик нафақат мулкка, балки бошқа мулкий муносабатларга ҳам дахл қилишда намоён бўлади. Бунда мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

Айтиш керакки, баъзан фирибгар била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотларни хабар қилади ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яширади ёхуд мулк эгаси (мулкни сақловчи)ни янглиштиришга қаратилган ҳаракатларни қасддан содир этади. Ёлғон маълумотлар ҳар қандай кўринишда, масалан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти ҳақидаги уйдирмалар бўлиши ҳам мумкин. Шу ўринда ҳаётий мисолга мурожаат этадиган бўлсак, Ф.Тошев Наманган шаҳрида фаолият кўрсатувчи "Кавсар таъмир қурилиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Тошбоевга Тошкентдаги озиқ-овқат захираси давлат корхонасидан ҳар бир килограмми 1000 сўмдан бўлган 400 тонна гуручни олиб беришини, барча солиқ тўловларини ўзи амалга оширишини айтади. Бундан ташқари у



Яъни сотувчи корхона ҳисоб рақамига пул ўтказилгач, етказиб берувчи омбордан 110 тонна гуруч маҳсулотини олиб чиқиб, нақд пулга сотиб юборади. Сўнг нақд пулни ўз манфаати йўлида сарфлайди.

Албатта, Ф.Тошевнинг қилмиши тезда ошкор бўлди ва у қонун олдида жавоб берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кимки ноқонуний йўллар билан мулкий наф кўришга уринса, кун келиб, бир кун, албатта, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шу боисдан бу ҳаётда қонун доирасида фаолият юритиш киши хотиржамлигини таъминлаб, юзини ёруғ қилишини доимо ёдда тутиш лозим.

Ҳилола СОТИВОЛДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг судьяси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8711.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 19⁰⁰ Топширилди: 20⁰⁰